ЎҚУВЧИ-ЁШЛАРНИ ВОЛЕЙБОЛ СПОРТ ТУРИГА ТАНЛАБ ОЛИШНИНГ МЕТОДИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Жўрабек Мақсадбаевич Шукурллаев
Тошкент вилояти ЧДПИ, “Жисмоний маданият” кафедраси ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада жисмоний тарбия дарслари ва синфдан ташқари машғулотларда умумтаълим мактаблари ўқувчилари орасидан истеъдодли ёшларни волейбол спорт турига танлаб олиш юзасидан кўрсатма ва таклифлар келтирилган.

Таянч сўзлар: жисмоний тарбия, ўқувчи, саралаш, усул, вақт, синф, ёш, спорт, волейбол, ривожланиш, танлаш, машғулот, натижа, сифат.

METHODOLOGICAL CHARACTERISTICS OF SELECTION OF STUDENTS FOR VOLLEYBALL SPORTS

Jo'rabek Maqsadbaevich Shukurllaev
CSPI, teacher of the Department "Physical Culture"

ABSTRACT

In this article, the suggestions to select the talented students to volleyball game among the secondary school children are presented.

Keywords: Physical education, pupil, selection, time, class, age, sport, volleyball, development, choose, the result of training.

КИРИШ

Ёш спортчиларни спортнинг ўйин турларига танлаш ва мўлжаллашда маълумки мактабларда жисмоний тарбия дарслари асос бўлиб хизмат қилади ва янги самарали услублардан фойдаланишни тақазо этади. Айниқса, волейбол спорт тури ҳозирги кунда йилдан-йилга рақобатнинг жадал кескинлашуви билан муҳим ўринга эга. Бу ўйинлар пайдо бўлишидан то ҳозирги кунгача такомиллашиб ҳалқаро мусобақалар давлат рейтингини белгилаб бериш даражасида эътироф этилади. Волейбол спорт тури бўйича ўтказиб келинаётган миллий чемпионатлар ва ўта нуфузли ҳалқаро мусобақаларда юксак натижага эришиш учун жисмоний потенциал заҳирасини кучайтириш ва кенгайтириш, энг асосийси спортчиларни саралаб олишда муҳим ўрин тутади.

Бу омил жисмоний тарбия машғулотларида мактаб ўқувчиларни волейбол спорт мусобақасига танлаб олишда муҳим манба ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Бутун жаҳон мамлакатларида нафақат волейбол, шунингдек спорт турларига ҳам саралаб олиш амалиётида мактаб ўқувчилари ушбу жараённинг асосини ташкил қилади ва бошланғич тайёргарлик даврида ўсмирларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини ошириш механизмларидан фойдаланиб ёш ўқувчилар ичидан иқтидорли спортчиларни саралаб олиш ва волейбол спорт турини ўргатишнинг самарали усулларини татбиқ қилиш энг муҳим вазифадан ҳисобланади. Ривожланган давлатлар орасида шундай клублар борки, ўсмирларни ҳатто 4-5 ёшидан бошлаб машғулотга қобилияти борлигини ва генетик прогноз орқали саралаб олиш жараёнлари амалга оширилади. Шунингдек, бу жараёнга комплекс тарзда замонавий ёндашиш зарурати юзага келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 июндаги “Жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-3031 сон қарорида белгиланган вазифаларни муайян даражада бажариш шунингдек, Республикамизда спорт ўйинлари (волейбол, футбол, баскетбол, гандбол) спорт турлари тизимида спортчиларни саралаш энг долзарб муаммолардан бири сифатида қаралади. Шу жумладан болаларнинг ҳар томонлама интеллектуал ривожланишида ёш авлодни шакллантириш, жамият ривожига мос баркамол шахсни вояга етказишга барча имкониятлар яратилмоқда. Айниқса, умумтаълим мактаблари ўқувчилари орасидан истеъдодли ёшларни саралаб олиш мақсадида спорт тўгараклари ва секция машғулотларини ташкил этиш, спортга ихтисослаштирилган (волейбол, футбол, гандбол, баскетбол ва ҳаказо) спорт мактабларига, таълим муассасалари ва спорт клубларига иқтидорли ёш авлодни тизимли равишда танлаб олиш чора тадбирлари қисман даражада ишлаб чиқилган. Шу боисдан умумтаълим мактаблари орасидан истеъдодли ёшларни саралаб олиш БЎСМ заҳирасини шакллантириш мақсадида мактабларда спорт тўгараклари ва секция машғулотларини ташкил этиш, спортга ихтисослаштирилган спорт мактабларига, таълим муассасалари ва спорт клубларига иқтидорли спортчиларни қабул қилиш жараёнларининг шаффофлигини ва холислигини таъминлаш юзасидан доимий равишда таъсирчан чоралар кўриш ҳамда чораклар якунлари бўйича танқидий таҳлилий муҳокамадан ўтказиш вазифалари ечилиш тизими амалда бажарилиши лозим.

НАТИЖАЛАР

Жисмоний тарбия жараёнида ўқувчиларни саралашнинг педагогик жиҳатдан ташкил этилиши ва йўналтирилиши долзарб ижтимоий-педагогик муаммо ҳисобланади. Масалан:

- жисмоний тарбия машғулоти жараёнида ўқувчиларни саралаб олиш методларининг тўғри шакллантирилмаганлиги;

- мактаб ўқувчиларининг волейбол спорт машғулотларида болаларнинг базавий саралаб олинишига доир назарий ва амалий ишлар жараёнининг амалга оширилмаганлиги;

- ўқувчиларни алоҳида волейбол спорт тури бўйича машғулотларга қобилиятли болаларни саралаб олишнинг такомиллаштирилмаганлиги;

- мактаб ўқувчилари ичидан волейбол спорт тури бўйича саралашнинг турли босқичларида ёш хусусиятларига мос ҳаракатли ўйинлар тизими ишлаб чиқилмаганлиги;

- волейбол спорт турида саралаш мезонлари ва уни ташкил этиш мониторингининг тизимлаштирилмаганлиги шулар жумласидандир.

Ёш волейболчилар жамоасини шакллантиришнинг дастлабки босқичида ўйинли ҳаракатлар, меҳнат ва айни пайтда ўқувчиларнинг машғулотга мойиллиги юқори бўлади. Уларнинг ҳар бирини мукаммаллик, ҳаракат уйғунлиги, спортнинг у ёки бу турининг негизи деб ҳисоблаймиз. Бироқ жисмоний тарбия ва спорт мусобақаларда кўрсаткичларни, спорт маҳоратининг натижасини тўлалигича намаён қила олиши учун ўқувчиларни жисмоний тарбия дарсларида ва машғулотлар жараёнида психологик ва педагогик тарбиялашда жисмоний тарбиянинг метод ва воситаларидан тўғри фойдаланиш асосида ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, мактаб жисмоний тарбия машғулотлари жараёнида ўқувчиларни волейбол спорт турига танлаб олишда қуйидаги мезонларга эътибор бериш муҳим масалалар сирасига киради:

- жисмоний тарбия машғулоти жараёнида уқувчиларни саралаб олиш методларини тўғри шакллантиришда мактабларда жисмоний тарбия дарслари ва дарсдан ташқари машғулотлар ўқувчиларни спорт турларига саралаб олишнинг асосий негизи ҳисобланади. Чунки ҳар бир ўқувчи ўз қобилиятларини ушбу жараёнларда намоён этади. Замонавий ёш волейболчиларни танлаб олишда тезкор, ҳаракатчан, техник сезгига ва биргаликда ҳаракатлар бажаришда юксак ривожланган қобилиятга эга бўлган шунингдек, машғулот жараёнида дастлабки ҳаракатни тўғри боҳолаш муҳим аҳамиятга эга. Спорт турини танлашда наслий ва муҳит омилларини ҳисобга олиш ҳамда ҳаракатланиш, ҳаракатларга ўргатишнинг қонуниятларини ҳисобга олиш зарур;

- мактаб ўқувчиларининг волейбол спорт машғулотларида базавий саралаб олинишига доир назарий ва амалий ишлар жараёни механизми нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, ёш волейболчиларни кейинги босқичма-босқич танлаш ва тайёрлаш бўлажак жараёнга тайёргарлик каби муҳим маъсулиятли вазифа ҳисобга олинишини кўрсатади. Кўп йиллик босқичма-босқич режа асосида тайёрлаш давомида ёш спортчилар индивидуал лаёқатларини ривожлантириш, ҳаётий муҳим қобилиятларини кўп йиллик тайёргарликнинг кейинги даврларини танлашда муҳим омил ҳисобланган организмнинг резерв имкониятларини максимал намоён этиш учун шароит яратиш лозим;

- мактаб ўқувчиларини алоҳида волейбол спорт тури бўйича машғулотларга қобилиятли болаларни саралаб олиш ва тайёрлашнинг ўзаро боғлиқлиги шуғулланувчиларни босқичма-босқич танлашни ва уларнинг жисмоний сифатларини ривожлантириш, танланган спорт турида техник ва тактик маҳоратини эгаллаш ва такомиллаштиришни кўзда тутади. Вазифалар бўйича ёш волейболчиларни тайёрлаш бошланғич даври мазмуни муҳим аҳамиятга эга. Дастлабки тайёрлов даврида тайёрлаш жараёни болаларнинг жисмоний ривожланишларига, таянч ҳаракатланиш аппарати мустаҳкамланишига, жисмоний сифатлари тарбияланишига (тезлиги, кординацион қобилиятлари, чаққонлиги ва бошқалар), шу жумладан, волейбол ўйинида техника асосларини эгаллашда зарур бўлган махсус жисмоний сифатларни ва қобилиятларини тарбиялашга ёрдам берувчи воситалардан фойдаланишдан иборат бўлади;

- мактаб ўқувчилари ичидан волейбол спорт тури бўйича саралашнинг турли босқичларида ёш хусусиятларига мос ҳаракатли ўйинлардан фойдаланишда волейболга яқин бўлган ёрдамчи ўйинлардан масалан: “Қовун узатиш”, “Лапта”, “Тўп доирада”, “Тўпни тутиб ол”, “Нишонга тушир”, “Паққилдоқ”, “Ўртада тўп” ва ҳакозо ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш мақсадга муофиқдир. Ёш волейболчиларни танлаш ва машқ бажаришлари учун танлаб олинган ва фойдаланилган ҳаракатли ўйинлари фақатгина ўқитиш мусобақалашиш методи асосида қўлланиладиган техник-тактик йўналганлик ўйин машқлари билан биргаликда фойдаланилганда юксак самарага эришилади. Бундай ўйинларни танлашда асосан фойдаланиладиган меъёрий машқларнинг диагностик ва прогностик моҳияти уларнинг мазмуни бу ёш волейболчилардаги генетик мавжуд бўлган қобилиятларни аниқлаш жараёнида ҳам қўл келади. Ёш волейболчиларни тайёрлашда волейбол хусусиятларини ҳисобга олиб, танлаб олинган ҳаракатли ўйинлардан фойдаланилганда шуғулланувчиларнинг жисмоний тайёргарликлари анча яхшиланишига олиб келади;

- мактаб ўқувчилари орасидан волейбол спорт турида саралаш мезонлари ва уни ташкил этиш мониторинги тажриба-синов ва математик статистик таҳлиллашда асосан ёш волейболчиларнинг бўйи баландлиги, сакровчанлиги, ҳаракатчанлиги, тиришқоқлиги, интизомлилиги, жисмоний, техник ҳамда тактик тайёргарликлари даражасини, координацион қобилияти, ақлий, психологик, интеллектуал сифатлари, тезкор фикрлаши, ижодкорлиги, вазиятни олдиндан кўра билиш, мустаҳкам диққатлилик қобилиятларини ифодаловчи кўрсаткичларни ўлчаш орқали амалга оширилади. Бундай ёндашишнинг тўғрилилигини амалда бажаришда ҳар бир йилдан сўнг ёш волейболчиларни тайёрлашда камчиликларни тўғрилаб бориш, тузатишлар киритиш машқлар компонентлари ҳажмини тўғри тақсимлаш, ўрганилаётган техник услублар ва тактик ҳаракатлар тўпламини кенгайтириш масаласи ҳал этилиши лозимдир. Мана шундай мазмунда кўп йиллик кузатишлар ва тажрибалар асосида ҳар томонлама ўрганиш ва аниқлаш орқали натижали волейболчилар юзага келиш сифатлари янгиланиб боради.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ёш авлоднинг яъни шахснинг ижобий ва ижодий сифатларини ҳосил қилиш ва тарбиялашга бўлган талаблар ушбу кўрсатилган самарали усулларни қўллаш билан эришилади. Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, умумий ўрта таълим мактаб ўқувчилари орасидан волейбол спорт турига танлаб олишда ва тарбиялашда жисмоний тарбия дарслари ҳамда синфдан ташқари машғулотларда юқорида келтирилган мезонлари асос бўлиб хизмат қилади.

REFERENCES

1. Abdulaxatov, A. R., & Xudoyberganov, J. S. (2020). Scientific and pedagogical ways to instill in students the national and universal values through “kurash”. *Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR)*, *9*(1), 44-47.
2. Abdulaxatov, A. R., & Sultonov, A. I. (2020). Bo‘lajak jismoniy tarbiya o‘qituvchilarida kasbiy-madaniy munosabatlarni shakllantirish (kurash misolida). *Maktab va hayot*, *3*(151), 20-21.
3. Abdulaxatov, A. R., & Sultonov, A. I. (2020). Bo'lajak jismoniy tarbiya o'qituvchilarida kasbiy-madaniy munosabatlarni shakllantirish (kurash misolida). *Maktab va hayot*, (2), 20-21.
4. Achilov, T., & Zufarov, T. (2019). Improvement Of Combined Actions Of Greco-Roman Style Wrestlers Taking Into Account The Specifics Of Competitive Activity. *International Journal of Advanced Science and Technology*, *29*(12), 1913-1917.

5. Choriyev, I. (2019). Efficiency Of The Model Of Formation And Development Of Readiness For Pedagogical Design In The Conditions Of Information And Communication Technologies. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*, *7*(12), 624-629.
6. Karaev, V. S. (2020). Competence And Competent: Different Approaches And Interpretations. *International Journal for Innovative Engineering and Management Research*, *9*(9), 202-206.
7. Mamatkulov, R. S., Khudoyberganov, J. S., Yusupbaeva, A. S., & Umaralieva, D. U. (2020). Features of formation of readiness of future teachers for innovative activity by means of information technologies. *International Journal for Advanced Research in Science & Technology*, *10*(06), 1-3.
8. Mamatqulov, R. S., & Davlatova, G. H. (2019). Gimnastika maktabgacha ta'lim tizimida. *Муғаллим ҳәм үзликсиз билимлендириў*, (1).
9. Mamatqulov, R. S., & Davlatova, G. H. (2020). Maktabgacha ta'lim tarbiyalanuvchilarini tarbiyalashda shaxmat o'yinining ahamiyati. *Муғаллим ҳәм үзликсиз билимлендириў*, (2), 4-9.
10. Matniyazova, H. K., Nabiyev, S. M., Abzalov, M. F., Kholiqova, M. A., & Yuldashev, O. H. (2019). Some Physiological Indicators of Domestic and Foreign Soybean Varieties under Different Water Regimes. *International Journal of Science and Research*, *8*(9), 389-392.
11. Musurmanov, P., & Shermatov, M. (2020). Innovative Approaches To Developmant Of The Professional Competence Of Future Teachers. *A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal*, *1*(1), 557-560.
12. Rasulova, N. S. (2020). The process of forming political parties (historical analysis). *Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR)*, *9*(1), 5-11.
13. Shermatov, M. (2020). Bo'lajak jismoniy tarbiya o'qituvchilarini tayyorlashda innovatsion yondashuvlar. *Xalq ta'limi*, *1*(3), 78-83.
14. Shukrullayev, J. M. (2019). 7-14 yoshli maktab o'quvchilarini voleybol sport turiga tanlab olishning metodik xususiyatlari. *Муғаллим*, *2*(1), 153-156.
15. Soatboy, O., Javlonbek, X., Shirinbekovich, K. V., & RoZmamatovich, A. A. (2019). Technique of improving the technical and tactical skills of national wrestlers. *Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR)*, *8*(12), 58-61.
16. Solizhonovich, M. R., Turdievich, Z. A., Bahromovich, J. A., & Erkinovna, K. M. (2020). Features and application of the cluster method of its organizations in lessons in secondary school and higher pedagogical institutions. *International Journal on Integrated Education*, *3*(3), 90-94.

17. Xabibullayev, C. X. (2020). Жисмоний имконияти чекланган ўқувчилар организмининг функционал ҳолатини баҳолаш услубияти. *Муғаллим* , *1*(4), 148-153.
18. Xudayberganov, J. S., Xabibullaev, S. X., & Madyarova, M. M. (2020). Method of development of physical qualities of the high school class wrestlers on kurash. *International Journal on Integrated Education*, *3*(3), 169-173.
19. Zufarov, T. U. (2020). Suzish sport turining ahamiyati va davolovchi ta'siri. *Maktab va hayot*, *2*(150), 20-21.
20. Zufarov, T. U., & Asatov, A. A. (2020). Umumta'lim maktablarida milliy harakatli o'yinlarning ijtimoiy-pedagogik asoslari. *"Boshlang'ich ta'limga innovatsion va kompetensiyaviy yondashuvning dolzarb masalalari"*, 43-47.
21. Adizov, B. R., Abdulahatov, A. R., Hudoyberganov, J. S., Yusupbaeva, A. S., & Mirahmedov, F. T. (2020). The Practical State of Teaching Physical Education in Higher Education Institutions. *TEST Engineering and Management*, *83*, 628-631.
22. Абдулахатов, А. Р., & Очилов, Э. О. (2020). Олий таълим муассасалари талабаларига курашнинг тарбиявий аҳамиятини ўргатиш йўллари. Муғаллим ҳәм үзликсиз билимлендириў, 1(1), 148-151.
23. Абдулахатов, А. Р. (2020). Олий таълимида кураш спортини ўқитишнинг амалиётдаги холатини ўргатиш хусусида. *Малака ошириш тизимида спорт бўйича мутахассисларнинг касбий компетентлиги механизмини такомиллаштириш: муаммолар ва ечимлар*, 195-197.
24. Абдулахатов, А. Р., Худойберганов, Ж. С., & Қурбонова, М. Э. (2020). Образовательный кластер - как ресурс инновационного развития региона. *Муғаллим ҳәм үзликсиз билимлендириў*, *1*(1), 84-89.
25. Атабеков, Ф. У., & Азаматова, Д. Ш. (2020). Важностьсотрудничества школы и семьи в начальной школе. *European research: innovation in science, education and technology*, 89-92.
26. Шукурллаев Ж.М. 7-14 ёшли мактаб ўқувчилари ичидан волейбол спорт турига саралаш методикасини такомиллаштириш. Магистрлик диссертацияси. Тош. ТДПУ. 2020 йил. 56-59 б.
27. Жисмоний тарбия ва спорт журнали. 2018 йил.
28. Қурбонова М.А. Бошланғич тайёргарлик даврида ёш волейболчиларни танлаш ва машғулот жараёнида халқ ҳаракатли ўйинларидан фойдаланиш. Тошкент-2006.
29. Павлов Ш.К, Абдурахмонов Ф.А. Подготовка гандболистов. Тошкент Уз ГИФК, 2006.